

## Фаластин муфтийси 2015 йилда Миср-Сурия институти томонидан чоп этилган Қуръон ҳақида баёноти берди



11:00 / 16.06.2021 2170

Қуддус ва Фаластин муфтийси 2015 йилда Қуръони Каримнинг нуқсонли нусхаси чоп этилган ҳудудларда тарқатмаслик кераклиги ҳақида огоҳлантирди. Бу ҳақда iqna.ir нашри хабар беради.

Седая Ал Оламнинг сўзларига кўра, муфтий шайх Муҳаммад Ҳусайн ушбу ҳолат бўйича қуйидаги баёнотни берган:

2015 йил 29 апрелда Миср-Сурия институти томонидан чоп этилган Қуръоннинг ушбу нусхаси лицензияга кўра, баъзи саҳифалари йўқлиги аниқланган.

Ушбу Қуръон нусхасига эга бўлган кутубхоналар, босмахоналар ва шахсларни шу чоп этилган Қуръонга нисбатан чора кўришга ва Фаластин маъмуриятига топширишга чақирди.

Шунингдек, муфтий Қуръонни босиб чиқаришда, тезкор визуаллаштиришда эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидлади.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***